SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2018-yil, 6-fevral. Seshanba • 11 (32.379) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

2. 2018 йил 10 февралдан бошлаб фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни назарда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинадиган мамлакатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

► Давоми 2-бетда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ**

## 2018-2022 ЙИЛЛАРДА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ БОШ РЕЖАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ, ШУНИНГДЕК, ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини янгилаш ҳисобга олинган ҳолда аҳоли пунктларини шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида республиканинг 96 та шаҳри ва 87 та шаҳар посёлкаси бош режалар билан таъминланди, 550 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларни архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларига эга.

Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда республика минтақаларида истиқболли ва иқтисодий самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этишда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида 26 та етакчи лойиҳа-қидирув ташкилоти ҳамда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУКнинг 12 та филиали ташкил этилган.

Бироқ шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан етарли таъминланмаганлиги уларни режали ривожлантириш, ижтимоий-маданий ва ишлаб чиқариш йўналишидаги объектларни оқилона жойлаштириш, ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омил бўлиб қолмоқда. Жумладан, 23 та шаҳар ва 994 та шаҳар посёлкаларини, шу жумладан, қисқа муддатли даврда республиканинг 138 та шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларини бош режалар билан таъминлаш талаб этилади.

Лойиҳа-қидирув ташкилотларининг илғор инновацион дастурий ечимлар ва замонавий ахборот базаси билан жиҳозланиши ҳамон етарли эмас, илғор хорижий тажриба суст жорий этилмоқда, тармоқ учун зарур малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш етарли даражада амалга оширилмаяпти, бу, шубҳасиз, лойиҳа маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, улар билан аҳоли пунктларини ўз вақтида қамраб олишни таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш ва олий таълим муассасалари томонидан шаҳарсозлик соҳаси мутахассислари тайёрлаш сифатини ошириш борасида шаҳарсозлик соҳасидаги ишларнинг ҳолатини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

► Давоми 3-бетда.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ





## ЎзХДП фракцияси

### бир нечта қонунчилик ташаббусларини тайёрламоқда

— 2017 йилда асосан сифатга эътибор қаратдик ва сўровларнинг аввалги йилларга қараганда сон жиҳатдан камайганини кўриш мумкин. Юборилган 43 депутатлик сўровининг ҳаммасига ҳам қониқарли жавоб ололмадик. Мутасаддилар томонидан сўровга ўз вақтида жавоб бериш тизими йўлга қўйилган бўлса-да, мазмунан ноаниқликлар кузатилаётганини ҳам айтиш керак. Асосан «бу масала кўриб чиқиляпти, 2018 йилнинг иш режасига киритилган» ёки «комиссия тузиб, муаммони жойида ўргандик ва хулоса тайёрлаяпмиз» мазмунидаги жавоблар олиняпти.

4

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## Ташаббускор ходимларсиз узоққа бориш қийин

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди. Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, партиянинг масъул ходимлари, депутатлар иштирок этди.**

**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов** маъруза қилиб, Мурожаатнома ҳар биримиз учун мамлакат равнақи йўлида самарали меҳнат қилишга ундовчи дастуруламал бўлишини таъкидлади. Тошкент шаҳар партия кенгашининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

— Олдимизда бир қатор вазифалар турибди, — деди у. — Электорат манфаати йўлида ҳаракатни сусайтирмаслик асосий мақсадимиз бўлиб қолади. Ўтган йил давомида айрим туман кенгаши раислари ишни тўғри йўлга қўя олмаганига гувоҳ бўлдик. Улар ўз фаолияти давомида кадрлар билан ишлаш малакаси сустлигини кўрсатиб қўйди. Қайси соҳада бўлмасин тажрибали, ташаббускор ходимларсиз узоққа бориш қийин. Биз шу вақтгача уларга имконият бериб келдик. Кўз-кўзга тушади, дея сабр, тўғриси, истиҳола қилдик. Энди бу хатоларни қайтармаймиз.

— 2017 йил 24 декабрда ўтган сайлов фаолиятимизга тутилган кўзгу бўлди, — деди **Тошкент шаҳар партия кенгаши бўлим мудири Сирожиддин Шоназаров.** — Сайлов натижаси кутганимиздек бўлмади. Бугунги сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмаслигига яна бир бор амин бўлдик. Қайси ҳудудда амалий иш бор бўлса, ўша ердаги партия ташкилотининг обрўси баланд бўлади.

Хато қилганимизни, камчиликларга йўл қўйганимизни кеч англадик. Кўнгилли вакил бўлса, бас, партия сафига, тарғиботчилар гуруҳи таркибига қўшавердик. Мана, энди қаттиқ тартиб асосида тарғиботчилар гуруҳи аъзолари рўйхатини қайта туздик. Улар партиямиз дастур ва мақсадларини кенг жамоатчиликка етказишда асосий кўмакчи бўлади.

— Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган йил давомида 518 мурожаат тушган,— дейди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири Гулчеҳра Холматова.** — Уларнинг 419 таси ижобий ечимини топди. Қолганлари назоратда турибди. Мурожаатларнинг асосий қисми коммунал, иш билан таъминлаш, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳалари ҳамда банкдан кредит олиш масалалари билан боғлиқ. Ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича соҳа мутасаддилари билан ҳамкорлик ўрнатдик. Депутатлар ҳамда экспертларнинг имкониятларидан унумли фойдаланишимиз керак.

Ўтган йил давомида депутатларимиз томонидан партия электоратини ўйлантираётган масалалар юзасидан 120 марта депутатлик сўрови юборилган, шундан 116 тасига ижобий жавоб олинган.

Йиғилишда халқ депутатлари туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ — 2018»

## Якуний босқичга

### Қорақалпоғистондан ким келади?

**Нукус шаҳрида «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли — 2018» кўрик-танлови Қорақалпоғистон Республика босқичи ўтказилди.**

— Депутатларимиз орасида хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётганидан жуда хурсандмиз, — дейди **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Халилла Ешимбетов**. — Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича партия аъзоларининг 40 фоизидан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек, ЎзХДПдан сайланган 30 га яқин депутат аёл маҳаллий ташкилотларимизда турли вазифаларда фаолият олиб бормоқда.

— Танловда қатнашиб сиёсий билимларимни, ҳуқуқий саводхонлигимни яна бир бор синовдан ўтказдим, — дейди **танлов иштирокчиси нукуслик Чинор Матчанова**. — Шартларни бажариш мобайнида камчиликларимни англадим. Келажакда билим даражамни янада юксалтиришга ҳаракат қиламан.

Бир неча соат давом этган танловда опа-сингилларимиз иқтидор ва истеъдодларини, ақл-заковати ва интеллектуал қобилиятини намоён қилишди. Танлов ғолибаларини аниқлаш осон кечмади.

— Иштирокчиларнинг ўзига бўлган ишончи юқори даражадалигини кўриб хурсанд бўлдим, — дейди **ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Нилуфар Юлдашева**. — Айтиш кераки, камчиликлар ҳам йуқ эмас. Шартлар давомида баъзи иштирокчиларимиз ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш каби масалалар бўйича эмас, тадбиркорликка хос бизнес режа асосида тайёрлаган лойиҳалари билан иштирок этди. Иштирокчиларимиз ҳакамлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни тўғри қабул қилади, деб ўйлайман.

Якуний натижаларга кўра, танловда **Беруний туманидан Айнура Ўразова** ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлди.

— Жуда ҳам ҳаяжондаман, — дейди у. — Ниятим ногиронлиги бўлган болаларга мактабгача таълим муассасалари очиб, уларнинг билим эгаллашини таъминлашдир. Чунки кўнгли ярим болалар атрофдагиларнинг меҳрига, эътиборига, ёрдамига кўпроқ муҳтож бўлади.

Кўрик-танлов якунида ғолиблар ва бошқа иштирокчилар Қорақалпоғистон Республика партия кенгашининг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

МУНОСАБАТ

## МУҲИМ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

**Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини ўқир эканман, хотин-қизлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мавжуд ҳаётий муаммолар шу қадар аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилгани, уларни бартараф этиш юзасидан зарур амалий таклифлар белгиланганидан, очиғи, ғоят хурсанд бўлдим. Зеро, ушбу ҳужжат мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.**

Андижон вилоятида кўп йиллар мазкур соҳада фаолият юритган раҳбар сифатида айта оламанки, қарорда узоқ йиллардан буён тизимда мавжуд бўлган, соҳа ходимларининг эркин иш олиб боришига тўсқинлик қилаётган, уларнинг қўлини боғлаб қўйган ва оғриқли нуқтага айланган жуда кўп муаммолар ўз ечимини топган. Хусусан, қўмита ваколатлари, иқтисодий ва молиявий имкониятлари кенгайтирилгани хотин-қизлар қўмиталарининг мавжуд муаммоларни бартараф этиш, иш самарадорлигини ошириш ва кутилган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонга кўра, 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилиши маҳаллаларда опа-сингилларимиз билан бевосита иш олиб бориш, жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан якка тартибда тизимли ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш, манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами ва самарадорлигини янада оширади.

Мухтасар айтганда, мазкур фармонни муҳим тарихий ҳужжат, дейиш мумкин. Чунки ушбу ҳужжат мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини самарали ташкил этиш, умуман, хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларни янада юқори босқичга кўтариш, опа-сингилларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, бахтли ва ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Манзурахон ЭГАМОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, меҳнат фахрийси, ЎзХДП аъзоси.**
**ЎзА**

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

***чуқур билимли, гўзал хулқли, зукко ёшларни тарбиялашга хизмат қилади***

Миллий матбуот марказида Президентимизнинг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

Унда Халқ таълими вазири Улуғбек ИНОЯТОВ мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

► Давоми 4-бетда.

2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилади.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ташқи ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлдан бошлаб электрон кириш визаларини бериш тизими ишга туширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази» ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Миллий PR-маркази» ДУК этиб қайта ташкил этилсин, унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

2018 йил 1 мартига қадар «Миллий PR-маркази» ДУК учун замонавий ва юқори технологик суратга олиш ускуналари, автотранспорт воситалари, шу жумладан юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган автотранспорт воситаларини сотиб олишни ўз ичига олувчи зарурий моддий-техник базаси яратилишини, шунингдек, ижара тўловисиз зарурий хоналар ажратилишини;

2018 йил 1 апрелига қадар ижодий ва суратга олиш гуруҳларини, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш йўли билан шакллантиришни, шунингдек, уларни таъминлаш ва моддий рағбатлантириш учун зарурий маблағлар ажратилишини;

шакллантирилган ижодий ва суратга олиш гуруҳларининг сценарийлар ва суратга олиш ишлари концепциясини ишлаб чиқиш, республика ҳудудларига ижодий экспедициялар ва хизмат сафарлари, шунингдек, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича материалларни тайёрлайдиган бошқа ижодий гуруҳлар фаолиятини доимий асосда, шу жумладан аутсорсинг орқали молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг қуйидаги аҳоли қатламлари учун республика ҳудудлари бўйлаб туризм-экскурсия турлари ташкил этилишини кўзда тутувчи «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

таълим муассасалари ўқувчилари учун — таътил даври ва дам олиш кунларида;

ташкилотлар ходимлари учун — дам олиш кунларида, умуммиллий байрамлар ва таътил кунларида, айниқса, туризм мавсуми суст даврда;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун — санаторий-курортларда дам олишдан фаол фойдаланган ҳолда йил давомида;

кексалар, ёш оилалар, фуқаролар йиғинлари фаоллари, хотин-қизлар ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари учун — туризм мавсуми суст даврда.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

бир ой муддатда Дастурни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда туризм хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг сифат, хавфсизлик ва нархларнинг рақобатбардошлиги мезонларидан келиб чиқиб Дастурда иштирок этиш ҳамда уларнинг Дастурни амалга ошириш доирасида ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини белгиласин;

2018 йилнинг 1 мартига қадар ўзининг расмий веб-сайтида Дастурда иштирок этиш шартлари, туризм-экскурсия дастурларини ташкил этиш механизмлари ҳақидаги, ҳамкор ташкилотчилар ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатлари ҳамда бошқа зарурий маълумотларни жойлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг тузилган халқаро шартномаларини мазкур Фармоннинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

а) асосий фаолият тури тематик хиёбонлар хизматларини ташкил қилиш бўлган юридик шахсларни улар томонидан тематик хиёбонлар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан 3 йил муддатга — юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан;

б) тематик хиёбонлар, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини 2022 йилнинг 1 январига қадар — белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра тематик хиёбонлар, меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, қурилиш ва бошқа материалларни олиб кириш учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари);

в) туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларини 2022 йил 1 январга қадар — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган:

ҳайдовчи билан биргаликда 8 ва ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган туризм тоифасига оид транспорт воситалари;

дор (осма) йўлларни, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, аэростатлар (ҳаво шарлари), мотор қайиқ ва квадроцикллар учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олиниб, лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун двигатель ҳажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган олиб кирилаётган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат рақами сериясини татбиқ этган ҳолда ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш шарти билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида бож тўловларини тўлашга рухсат этилсин.

10. Белгилансинки:

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн брон (банд) қилиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг солиққа солинадиган базаси электрон хизматларни, жумладан, электрон тўловлар, брон (банд) қилиш, эквайринг ва бошқа хизматларни, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини таклиф қилувчи ихтисослаштирилган интернет-сайтлар ва порталларни йўлга қўйишга йўналтирилган харажатлар миқдорига камайтирилади;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаган ҳолда тегишли сифатдаги уланишни таъминлашлари лозим;

ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базаси, шу жумладан ягона солиқ тўлови бўйича базаси тегишли сифатдаги симсиз уланиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган харажатлар миқдорига камайтирилади;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бундай ҳудудларни ташкил этган жойларда 18 кв.м.дан ортиқ бўлмаган ўлчамдаги реклама баннери ёки ромларини ўрнатиш ҳуқуқи беғараз асосда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатларини олмасдан тақдим этилади;

Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларида (Wi-Fi) тақдим этилаётган хизматлар сифатини назорат қилиш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

11. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг меҳмонхоналарни, туташ йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини очиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси икки ой муддатда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шартларда кредитлар ажратилиши учун уларга кредит линияларини очсин:

меҳмонхоналар ва туташ йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмалари объектлари учун импорт ускуналар ва технологияларни харид қилиш учун кредит муддати 15 йилни (имтиёзли давр — 5 йил) ташкил қилади. Мақсадли кредит линиясининг маблағлари ҳисобига битта мижоз учун ажратиладиган кредит ҳажми лойиҳа қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

кредитлар ваколатли тижорат банкларининг инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг иқтисодий ва молиявий мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ижобий қарорлари асосида берилади. Бунда, бир қарз олувчига бериладиган кредит миқдори битта инвестиция лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ долларидан ошмаслиги лозим.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo Bo'ylab» телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмини ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича бош ахборот ҳамкори сифатида белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кунлик муддатда мазкур Фармонни ҳисобга олган ҳолда кириш туризмини ривожлантириш, ички туризмнинг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ваколатлари ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармон билан мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири — Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 3 февраль*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига
## ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси бой маънавий-маданий меросга, турли-туман тарихий-археологик объектларга, қулай табиий-иқлим шароитига ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга бўлиб, бу эса туризмнинг турли шаклларини илдам ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратади.

Қисқа вақт ичида республикада туристик соҳани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ўз навбатида туризм соҳасидаги янги давлат сиёсатига асос бўлди, туризм соҳасидаги субъектларга аҳамиятли тарзда солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликларини берди.

Шу билан бир қаторда, соҳада бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги, шу жумладан хорижий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари секин олиб борилаётганлиги, улар учун электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги, бой ички ва зиёрат туризмлари салоҳиятидан суст фойдаланилганлиги, инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар секин жалб этилаётганлиги сабабли туризм инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари етарлича татбиқ этилмаётганлиги соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Қайд этиб ўтилган масалаларни ҳал қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони** қабул қилинди.

Мазкур Фармонда Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Европа иттифоқи, Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг, ҳамда Ҳиндистон Республикаси, Канада, Янги Зеландия, Америка Қўшма Штатлари каби 39 та мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилинишини ҳамда ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби киритилди.

Мамлакатнинг туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича ишларни янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Миллий туризм маҳсулотини тарғиб қилиш маркази» ДУК Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Миллий PR-маркази» ДУК сифатида қайта ташкил этилди ҳамда унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, 2018 йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визаларини бериш тизими жорий этилади.

Фармон қабул қилиниши билан республикада «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» номи остида мамлакат бўйлаб таништирув саёҳатлари ва турларини ташкиллаштиришнинг кенг миқёсли дастури ишга туширилмоқда, унинг доирасида бир миллионга яқин фуқароларимиз, шу жумладан ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишчилар, нафақахўрлар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўладилар.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхоналар, улар бўйидаги йўл, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун туризм соҳаси тадбиркорлик субъектларига кредит маблағларини ажратиш мақсадида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит линияларини очиш назарда тутилган.

Асосий фаолияти тематик хиёбонлар хизматларини ташкиллаштиришдан иборат бўлган юридик шахслар тематик истироҳат боғларини фойдаланишга топшириш санасидан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғини ҳамда ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари томонидан 2022 йил 1 январгача олиб кирилаётган жиҳозлар, техника, хом ашё, бутловчи буюмлар ва захира қисмлари ва қурилиш материаллари ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган бошқа материаллар божхона тўловларидан озод этилади.

Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари республика ҳудудига олиб кирилаётган туристик тоифадаги транспорт воситалари ҳамда канат йўли, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа шунга ўхшаш объект ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун жиҳозлар, механизмлар ва захира қисмлари, шунингдек, ҳаво шарлари, аэростатлар, квадроцикллар ва моторли қайиқлар учун 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод этилади.

Фармон билан Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган лицензияга эга бўлган туризм операторларига истисно тариқасида экстремал турларни ташкил қилиш учун олиб кирилаётган двигатели ҳажми 2,4 л. дан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган транспорт воситаларига автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш бўйича алоҳида давлат рақами сериясини татбиқ этган ҳолда ва улардан фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш шарти билан 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш орқали амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида бож тўловларини тўлашга рухсат этилади.

Ахборот-коммуникация технологияларини туризм соҳасига жадал татбиқ этиш мақсадида Фармон билан қуйидагилар назарда тутилган:

2018 йилнинг 1 январидан эътиборан туризм маҳсулотларини сотиш ва/ёки туризм хизматларини онлайн бронлаш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга электрон тўловлар, бронлаш, эквайринг ва бошқа электрон хизматларни татбиқ қилиш, шунингдек, туризм хизматларининг замонавий турларини таклиф қилувчи ихтисослаштирилган интернет-сайтлар ва порталларни йўлга қўйишни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларини тақдим қилиш;

жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудлари (Wi-Fi) билан жиҳозлаган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий тартибда аниқлаш билан биргаликда тегишли сифатдаги уланишни таъминлаш бўйича мажбурият қўйилди;

ўз ҳудудида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) ўрнатган хўжалик юритувчи субъектларга тегишли сифатдаги симсиз уланиш ҳудудини кенгайтириш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш ва интернет-трафикни сотиб олишга йўналтирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини (Wi-Fi) барпо этган операторлар, провайдерлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга бундай ҳудудлар ташкил этилган жойда беғараз асосда 18 кв.м.дан ортиқ бўлмаган майдондаги реклама баннери ёки ромларини ўрнатиш ҳуқуқини тақдим этиш.

Туну-кун намойиш этиладиган «Dunyo Bo'ylab» телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмини ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан қўриқланадиган табиат ҳудудларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича ахборот ҳамкори сифатида белгиланди.

Фармонда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ички ва зиёрат туризмларини жадал ривожлантириш ва уларнинг бой салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ҚАРОРИ

# 2018-2022 ЙИЛЛАРДА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ БОШ РЕЖАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ, ШУНИНГДЕК, ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Қуйидагилар:

2018-2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, шунингдек, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг йиғма параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурлари 2а ва 2б-иловаларга мувофиқ;

2018-2019 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 3-иловага мувофиқ;

ишлаб чиқилаётган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ маъмурий-ҳудудий бирликларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг белгиланган чегаралари ва тузилган хариталари асосида 2019 йил 1 февралгача бўлган муддатда 2020-2022 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури тайёрланишини ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

3. Ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига юклансин.

4. Қуйидагилар:

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК — шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқувчи;

«ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК — Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқувчи;

«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ — қишлоқ жойларда қишлоқлар, овуллар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ва улар таркибида батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия хариталарини ишлаб чиқувчи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2946-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари — лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқувчилар;

«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК — топография-геодезия ишларини ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-геология қидирувларини ижро этувчи этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Давлат дастури лойиҳаларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштиришга белгиланган тартибда зарур маблағларни назарда тутсинлар.

6. Белгилаб қўйилсинки:

лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари, қоидага кўра, энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида аниқланадиган ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиши керак;

минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган аҳоли пунктларининг бош режалари фақат тегишли равишда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК ва «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУКнинг бош лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан келишилгандан кейин тасдиқланиши керак;

Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ҳамда бошқа шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан тузилган лицензия битимлари асосида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига лицензия олинмасдан хорижий лойиҳа-қидирув ташкилотлари танлов асосида жалб этилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги «Архитектура-режалаштириш бюроси» давлат унитар корхоналари тасдиқланган бош режаларга эга бўлган аҳоли пунктларининг майдони ўн гектардан ортиқ бўлмаган ҳудудларида уларнинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳақлидир.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2а-иловага мувофиқ 2018-2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш дастури ва 2б-иловага мувофиқ 2018-2022 йилларда республика шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури доирасида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича потенциал лойиҳа-қидирув ташкилотлари 2018 йил февраль ойи мобайнида белгиланишини, шунингдек, келгуси йилларда кўрсатиб ўтилган дастурларнинг параметрларини тайёрлаш доирасида ҳар йили:

1 декабргача — энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-қидирув ташкилотлари белгиланишини;

1 январгача — шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари тасдиқланишини, кейинчалик лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан шартномалар тузилишини;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК ва минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларда назарда тутилган муддатларда шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари ҳамда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК ва «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ билан биргаликда шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини қуришда уларга риоя этилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг мунтазам равишда мониторингини олиб борсин, кейинчалик мониторинг натижаларини ҳар бир йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Олий таълим муассасалари базасида мутахассис архитекторлар, лойиҳалаштирувчилар ва қурувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш ташкил этилишини назарда тутган ҳолда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ ва минтақавий лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифати оширилишини таъминласин.

уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилманинг намунавий лойиҳалари асосида шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши тегишли аҳоли пунктларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига ва зарурат бўлганда уларга белгиланган тартибда киритиладиган тузатишларга қатъий мувофиқ равишда қурилишини;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни режалаштиришда ва ҳудудларни қуришда шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида белгиланган тартибда:

икки ой муддатда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК ва «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖнинг етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари тузилмасига ҳудудларни режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳажм-режалаштириш жиҳатидан лойиҳалаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилишини;

лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари орасида тегишли долзарб ахборотни тезликда ва кенг кўламли тарқатиш имконини берувчи замонавий техник даражадаги ахборот-таҳлилий база ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳалаштириш, қурилиш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулларини, шунингдек, илғор қурилиш технологияларини жорий этиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида архитектура соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига ҳар томонлама кўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

таълимнинг янги талаб этилган йўналишлари (қурилишда маркетинг, қурилишда менежмент ва бошқалар) бўйича қурилиш тармоғида юзага келаётган кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабргача таълимнинг ушбу йўналишларини очиш ва бўлажак ўқув йилида улар бўйича қабул квоталарини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ягона шаклларга мувофиқ аниқланган эҳтиёжлар бўйича асосланган таклифларни киритсинлар;

тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш учун тизимли асосда тажриба алмашишни ва мақсадли тажриба орттиришларни ташкил этиш учун ҳар йили 1 декабргача етакчи ихтисосли хорижий олий таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 2 февраль*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
## ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада шаҳарсозликни такомиллаштириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Замонавий ижтимоий объектлар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаган ҳолда аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш, арзон ва айни вақтда қулай ҳамда шинам уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасида сезиларли ўзгаришлар ясамоқда.

Шу билан биргаликда замонавий бинолар, иншоотлар, кўп функцияли комплексларни барпо этишгагина эмас, балки аҳоли пунктларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашувчи янги истироҳат боғлари, хиёбонлар, сув ҳавзалари ва спорт иншоотлари билан биргаликда рекреация зоналарини барпо этишга ва мавжудларини ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Ривожланишнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳудудларни режали ва босқичма-босқич қуришнинг асоси ҳисобланади.

Ушбу омил ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги чоралар кўрилди:

**биринчидан,** мақсадли давлат дастурларига мувофиқ 96 та шаҳар ва 87 та шаҳар посёлкалари учун бош режалар ишлаб чиқилди ҳамда 550 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари учун ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари тайёрланди;

**иккинчидан,** бош режаларни сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида республика ҳудудларида қўшимча равишда 26 та етакчи лойиҳа-қидирув ташкилоти ҳамда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонасининг 12 та филиали ташкил этилди, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга жалб этилган бош лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Шу билан биргаликда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар ва идоралар томонидан кўрилган чоралар етарли бўлмаганлиги сабабли 23 та шаҳар, 994 та шаҳар посёлкаси ва 922 та қишлоқ аҳоли яшаш жойлари тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига эга эмас.

Лойиҳа ташкилотларининг замонавий техник воситалар, илғор инновацион дастурий маҳсулотлар ва зарур ахборот базаси билан етарлича таъминланмаганлиги лойиҳа маҳсулотининг сифати пасайишига ва ишлаб чиқиш муддатлари чўзилишига олиб келмоқда. Хорижий тажрибани ўрганишда ва кадрларни тайёрлаш жараёнида тизим йўқлиги ҳам лойиҳа-қидирув ишларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, улар билан аҳоли пунктларини ўз вақтида қамраб олиш учун шарт-шароитлар яратишни, лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари томонидан архитекторлар, қурувчилар ва тармоқнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда қуйидаги чоралар назарда тутилган:

**биринчи** — 2018-2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурлари, 2018-2019 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури ҳамда Ишлаб чиқилаётган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар тасдиқланди;

**иккинчи** — 2018-2022 йиллар даврида 23 та шаҳар ва 115 та шаҳар посёлкаси бош режалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида 55 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқилиши белгиланди;

**учинчи** — шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш ва ўз вақтида ишлаб чиқиш мақсадида ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларидан Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига олиб берилди;

**тўртинчи** — ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2946-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқишга жалб этилмоқда. Шу билан биргаликда «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖга қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан биргаликда қўшимча батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия хариталарини ишлаб чиқиш юкланмоқда;

**бешинчи** — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига, шунингдек, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тегишли маблағлар ажратилишини назарда тутиб ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга оширишни молиялаштиришга ҳар йили зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш юкланади;

**олтинчи** — шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга тор доирадаги республиканинг лойиҳа ташкилотларига монопол ҳуқуқ берилиши амалиётидан воз кечиш мақсадида қарор билан биринчи марта Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ҳамда бошқа шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишга хорижий лойиҳа-қидирув ташкилотларини танлов асосида жалб этиш назарда тутилмоқда;

**еттинчи** — лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига икки ой муддатда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК ва «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖнинг етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари тузилмасига ҳудудларни режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳажм-режалаштириш жиҳатидан лойиҳалаштиришни назарда тутувчи долзарб ўзгартиришлар киритилишини, шунингдек лойиҳа-ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари орасида тегишли долзарб ахборотни тезликда ва кенг кўламли тарқатиш имконини берувчи замонавий техник даражадаги ахборот-таҳлилий база ташкил этилишини таъминлаш вазифаси қўйилди;

**саккизинчи** — илғор хорижий тажрибани синчиклаб ва тизимли ўрганмасдан ҳеч бир соҳада илғор технологияларни жорий этишдан реал натижаларга эришиб бўлмаслигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига архитектура соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига ҳар томонлама кўмаклашиш топширилди;

**тўққизинчи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш учун тизимли асосда тажриба алмашишни ва мақсадли тажриба орттиришларни ташкил этиш учун ҳар йили 1 декабргача етакчи ихтисосли хорижий олий таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш топширилди;

**ўнинчи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълимнинг янги талаб этилган йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабргача таълимнинг ушбу йўналишларини очиш ва улар бўйича қабул квоталарини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ягона шаклларга мувофиқ аниқланган эҳтиёжлар бўйича асосланган таклифларни киритиш вазифаси юклатилди.

Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқилаётган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар шаҳарсозлик соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник базани такомиллаштиришга йўналтирилган чораларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурлари тасдиқланиши қисқа муддатда барча шаҳарларни, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ ҳудудларининг бир қисмини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш имконини беради, бу эса аҳоли пунктларининг қиёфасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади, кўчаларни ва бошқа ҳудудларни тартибсиз ва ўзбошимчалик билан қуриш ҳолатларининг олдини олади, яъни аҳолининг қулай яшаши даражасини оширишга кўмаклашади.

Аҳоли ҳаёт фаолияти учун қулай муҳит яратиш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаси ривожланган обод аҳоли пунктларини барпо этиш янги шаҳарсозлик сиёсати амалга оширилишининг натижаси бўлиши керак.

Ишламайдиган, яъни «ўлик» қонунлар бўлмаслиги учун, энг аввало, соҳалар бўйича қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказишимиз лозим.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# ЎзХДП фракцияси

## бир нечта қонунчилик ташаббусларини тайёрламоқда

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон ХДП фракцияси матбуот анжумани ўтказди. Унда фракция раҳбари Ҳотамжон Кетмонов 2017 йилда амалга оширилган ишлар, жорий йилга мўлжалланган режалар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига атрофлича маълумот берди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

— Хабарингиз бор, давлат раҳбари томонидан қонун ташаббускорлигига оид фаолиятимиз асосли равишда танқид қилинди. Бу борада ҳуқуқий ваколатларни тўла ишга солиш, ташаббускорликни ошириш устида янада қаттиқроқ ишлашимиз лозимлигини англаб турибмиз. Жорий йил учун мўлжалланган иш режамизда айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Давлат дастуридан келиб чиқиб, 15 та қонун лойиҳасига таклифлар шакллантириш режалаштирилган. «Иссиқлик таъминоти тўғрисида»ги, «Давлат минимал ижтимоий стандартлари тўғрисида»ги ва «Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мурожаатлар билан ишлаш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, аҳолини фракцияда бўлаётган жараёнлардан хабардор этиш бўйича самарали тизим вужудга келмоқда. Фракциямиз аъзолари ижтимоий тармоқлардаги шахсий саҳифалари орқали ҳам сайловчилар билан мулоқот олиб боряпти.

Бир сўз билан айтганда, фракциямиз фаолияти бир неча янги йўналиш ва ёндашувлар ҳисобига бойиди. Лекин биз бу билан тўхтаб қолмасдан, изланишда давом этамиз.

Матбуот анжуманида журналистлар Қоунунчилик палатаси депутатларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

**САВОЛ:**

— Маълумки, ишламайдиган, яъни «ўлик» қонунлар танқид қилинган эди. Ўзбекистон ХДП фракцияси бу борадаги камчиликларни бартараф этиш учун қандай ишларни режалаштирган?..

**ЖАВОБ:**

— Дарҳақиқат, амалдаги айрим қонунларимизнинг ишлаши учун тегишли механизмлар яратилмаган, баъзи қонунлар қонуности ҳужжатларига мувофиқ эмас ёки бир-бирига зид нормалар мавжуд.

Ишламайдиган, яъни «ўлик» қонунлар бўлмаслиги учун, энг аввало, соҳалар бўйича қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказишимиз лозим. Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт, деган фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан — фуқаролардан, халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартиби кенг жорий этилади. Шу мақсадда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда фракцияси қошида Ахборот-таҳлил ва ташаббускорлар гуруҳи ташкил этилади.

Гуруҳнинг низоми ва иш режаси ишлаб чиқилади, унинг таркибига тажрибали экспертлар, партия фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва минтақавий кенгашларнинг фаол аъзолари ҳам киритилади.

**САВОЛ:**

— 2017 йилда фракция ташаббуси билан қандай қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди?

**ЖАВОБ:**

— Ўтган йили фракция ташаббуси билан алоҳида қонун лойиҳаси муҳокамага киритилмади. Лекин бу бизда ташаббус йўқ эди, дегани эмас. Қонун лойиҳасини парламент муҳокамасига киритиш осонлик билан бўладиган иш эмас. Бунинг учун жойлардаги муаммоларни ипидан игнасигача ўрганиш керак. Қонун қабул қилингандан кейин ҳаётда ниманидир ўзгартириши лозим. Депутатларимиз қўмиталардан киритилган қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида ўз таклифлари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ва яна қатор қонун лойиҳаларида депутатларимизнинг ўзига хос иштироки бор.

**САВОЛ:**

— Депутатлик сўрови институтидан қай даражада самарали фойдаланиляпти? Давлат ҳокимияти идораларида бу масалага муносабат ўзгаряптими?

**ЖАВОБ:**

— Аввало депутат сўрови билан мурожаатни яхши фарқлаб олишимиз керак. Ана шунда мутасаддиларнинг сўровга нисбатан муносабати тубдан ўзгаради. Яъни, депутатлик сўрови мазмунан тўғри бўлса, жавоб ҳам аниқлашади. Масалан, айрим депутатлар сўров юбориш орқали кимгадир қандайдир моддий ёрдам кўрсатилишини сўрайди. Бу — депутатлик сўрови эмас.

2017 йилда асосан сифатга эътибор қаратдик ва сўровларнинг аввалги йилларга қараганда сон жиҳатдан камайганини кўриш мумкин. Юборилган 43 депутатлик сўровининг ҳаммасига ҳам қониқарли жавоб ололмадик. Мутасаддилар томонидан сўровга ўз вақтида жавоб бериш тизими йўлга қўйилган бўлса-да, мазмунан ноаниқликлар кузатилаётганини ҳам айтиш керак. Асосан «бу масала кўриб чиқиляпти, 2018 йилнинг иш режасига киритилган» ёки «комиссия тузиб, муаммони жойида ўргандик ва хулоса тайёрлаяпмиз» мазмунидаги жавоблар олиняпти.

Депутатлик сўровига жавоб бериш бўйича қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар масъулиятни янада оширади. Фракциямиз бундан буён қатъий регламентга амал қилган ҳолда иш олиб боради. Депутатлик сўрови институтидан ҳам ўз ўрнида ва самарали фойдаланади. Бу ҳақда келгуси учрашувларимизда сизларга батафсил маълумот берамиз.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Фуқаролар мурожаатлари ҳамда олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, кўпинча иш берувчи бўш иш ўрни тўғрисидаги маълумотни тақдим қилмайди ёки бу маълумотларда мавжуд бўш иш ўринлари кўрсатилмайди. Асосий иш ҳақи юқори бўлган лавозимлар «таниш-билишлар» учун яшириб қолинади ва маоши паст бўлган иш ўринлари кўрсатилади.

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ НЕГА ЯШИРИЛАДИ?..



Бундай ҳолат иш берувчининг қонун талабларини билмаслиги ёки тушунмаслиги натижасида келиб чиқади. Баъзан эса таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва мансабдор шахсларнинг бошқа шахсий манфаатлари устун қўйилади.

Тайлоқ туман бандликка кўмаклашиш марказининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан ўтган йилнинг декабрь ва жорий йилнинг январь ойи мобайнида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган ва бўш иш ўринларини яширган жами 15 нафар мансабдор шахсга нисбатан 7 миллион сўмдан ортиқ маъмурий жарималар қўлланилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатига лоқайд муносабатда бўлган Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмаси, 25-мактабгача таълим муассасаси, 20-, 49-ўрта умумтаълим мактаблари раҳбарлари бир миллион 647 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Маълумки, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳар ойнинг 5-кунигача ўзларида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотни бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиши керак. Лекин январь ойида туманда фаолият юритаётган 12 корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг бефарқлиги оқибатида маълумотлар тақдим этилмагани учун уларга жарима жазоси қўлланилди.

Аҳолини иш билан таъминлашда фақат давлат органларигина эмас, балки жамоатчилик, айниқса, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, яъни иш берувчиларнинг роли катта аҳамиятга эга. Иш берувчиларнинг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштироки «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган низомга кўра, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига тегишли бадалларни тўловчи сифатида рўйхатга олинган (микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) барча иш берувчилар ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги ҳамда мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозимлиги кўрсатилган.

2017 йил май ойидан бошлаб иш берувчилар учун бундай маълумотларни ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказларига интернет тармоғи орқали электрон тарзда тақдим этиш имконияти яратилди. Бу маълумотлар иш берувчиларда бўш иш жойлари мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам тақдим этилиши лозим.

Бўш иш жойлари тўғрисидаги ахборотни яшириш, бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар тўғрисидаги ахборотларни меҳнат органига ўз вақтида тақдим этмаслик иш берувчи мансабдор шахсларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 229-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорида жарима солинишига олиб келади.

Мазкур қонунчиликка риоя қилиниши бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда фуқароларни иш билан таъминлашга имконият яратади.

**Шаҳбоз ХОЛИҚУЛОВ,**
**Тайлоқ туман бандликка кўмаклашиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори.**

# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

## чуқур билимли, гўзал хулқли, зукко ёшларни тарбиялашга хизмат қилади

— Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик мажбурий таълим ўзини оқламаганининг кўпгина сабаблари бор, — деди **Халқ таълими вазири.** — Бу ҳолат умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, уларни бўш вақтида турли машғулотларга жалб этиш самарасиз ташкил қилингани оқибатида ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли даражада кўпайди.





Фармонда бу соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Хусусан, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарга идоравий бўйсунувчи касб-ҳунар коллежларида малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли барча қатламларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва бандлигини ошириш мақсадида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта таълим узлуксиз 11 йиллик таълим негизида амалга ошириладиган бўлди.

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим муддатларида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Касблар рўйхати ҳудудларнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, мутасаддилар ва иш берувчи ташкилотлар мутахассислари билан биргаликда шакллантирилади.

Бир қатор янги касблар амалиётга киритилмоқда. Шулардан бири — ижтимоий ходимлар тайёрлаш, бу касбий жиҳатдан ҳамшираликка яқин туради. Яъни, ижтимоий ходим касал, ногирон, боқувчиси йўқ одамларга қарашга ихтисослашади.

Энди мактаб формаларига келадиган бўлсак, ҳозир ота-оналарнинг талаб ва таклифини инобатга олган ҳолда, ўқувчилар ўртасида ижтимоий табақаланишнинг олдини олиш мақсадида уч категориядаги ўттиздан ортиқ форма модельерлар томонидан тавсия қилинган. Бундай мактаб формалари тажриба сифатида Сардоба туманидаги битта мактабда ва Тошкент шаҳридаги 91-умумтаълим мактабида синаб кўрилаяпти. Ўқув йили якунида барча талаб ва истакларни инобатга олган ҳолда унинг натижаларини кенг жамоатчиликка етказамиз.

Илгари коллежларда фаолият кўрсатаётган 408 минг нафардан зиёд педагог иш билан таъминланди, 22 минг нафарга яқини Халқ таълими тизимига жалб қилиниб, уларнинг малакасини оширишга эътибор қаратилди. Тизимда фаолият юритаётган ўз касбининг фидойиси, лекин ўрта махсус билимга эга бўлган ўқитувчиларнинг малакаси оширилади. Мактаб кутубхоналарини 2 миллиард донадан ортиқ 56 номдаги китоб билан таъминлаш кун тартибида турибди. Мактабларда фан ва касб тўгараклари, спорт секциялари ташкил этишга алоҳида аътибор қаратилади ва керакли жиҳозлар билан таъминланади.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим тизимини ривожлантириш, 10-11-синфларда уларнинг соғлиғига тўғри келадиган касбларга йўналтириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда иш олиб борилмоқда...

Вазир, шунингдек, 11 йиллик мажбурий таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ қилиниши, касб-ҳунар ўргатиш давомида ўқувчи бир неча касбни ўзлаштириши мумкин бўлиши тўғрисида тўхталди.

— Икки йиллик касбий таълимдан сўнг битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат билан бирга касб малакаси бўйича давлат намунасидаги диплом бериладиди, — деди у. — Инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассислар жалб этилиб, педагогик жараён энг илғор педагогик шакл ва усуллар асосида ташкил этилади.

Яна энг муҳим масалалардан бири — ўқитувчининг шаъни, обрўсини кўтариш, олаётган маошини кўтариш, уларга бир қатор имтиёзлар бериш, уй-жой шароитини яхшилаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим тизимини такомиллаштиришни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ҳамда тегишли ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар соҳага тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, бундан буён ўқитувчилар ўз соҳасига тегишли бўлмаган ишларга, қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилмайди, уларни шу ишга жалб этган раҳбар жазоланади. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари томонидан ҳар йили топшириладиган иккиламчи хомашё, яъни темир-терсак йиғиш амалиётига ҳам қатъиян чек қўйилди. Энди ҳар ким ўз аравасини ўзи тортишига ўрганишимиз керак. Замон шуни талаб қиляпти.

Ўтган йили мутахассислар, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик фикри асосида 10-11-синфлар учун 12 фан бўйича ўқув режалари қайтадан ишлаб чиқилиб, уларга ўзгартиришлар киритилди. 10-синф ўқувчилари учун 18 номдаги дарслик 7 тилда 9 миллиондан зиёд нусхада чоп этилиб, жойларга етказиб берилди.

Ҳозир республикамиз бўйича 10-синф ўқувчилари 470 мактаб ва 1018 касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган «Ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари»да 50 дан ортиқ касбларни ўрганишмоқда. 11-синфда касбга ўргатишдан ташқари «Тадбиркорлик асослари» фани ҳам ўқитилади. 10-11-синф ўқувчиларига касб ўргатиш бўйича ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларининг 489 синфи 18 йўналишдаги зарур жиҳозлар билан таъминланади.

Таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган, вазирлик томонидан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси»га кўра, жорий йилда таълим жараёнига хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва ўқитишнинг инновацион методлари, ахборот коммуникация технологиялари кенг жорий этилган ҳолда 11-синф ўқувчилари учун 20 номда, қарийб 10 миллион нусхада дарслик яратилади. Янги ўқув йилигача улар ўқувчилар қўлига етиб боради.

Тадбир якунида соҳа мутахассислари оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришди.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси журналист Хусан Эрматовга волидаи муҳтарамаси

**АНОРХОЛ ҳожи онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси жамоаси меҳнат фахрийси

**Ортиқбой КАРИМЖОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona** — 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — 233-12-56
**Reklama va e'lonlar uchun** — 233-38-55, 233-47-80
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 138. 14299 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:15.
Topshirilgan vaqti — 23:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Abdusalim MAHMUDOV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6